Қуръони каримнинг 900 йиллик нусхаси топилди

Image not found or type unknown



14:40 / 19.12.2018 3127

Эрон Ислом Республикасининг Теҳрон шаҳридаги музейда Қуръони каримнинг 12 асрга тегишли нусхаси намойиш этилди. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати хабар берди.

Жорий йилнинг 16 декабрида Реза Аббосий музейида тадқиқотчилар ва қўлёзма мутахассислари иштирок этган анжуманда қадимий Мусҳаф кўздан кечирилди.

Ушбу нусха 1150 йилга тегишли бўлиб, хаттот Абул Фаҳр ибн Абилфазл ал Зафароний томонидан кўчирилган ва унга Зафароний нусхаси деб ном берилган.

Islom.uz портали таҳририяти